



20 20 у. « 2 » сентябрь

№ Қ-436

« » 20 г.

**Қумқўрғон тумани “С.Бойматов” массиви
худудидан тумандаги ташаббускор
тадбиркорларга “Иссиқхона” қуриш учун
ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/516-сон йиғилиш баёни ва Қумқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 14 июндаги 193/01-36-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/516-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Қумқўрғон тумани “С.Бойматов” массиви худудидан туманидаги ташаббускор тадбиркорларга туман ҳокимлиги заҳирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 1081, 1082, 1083, 1105, 1167, 1169 1173, 1194, ва 1194а-дала контурларидаги жами 65,0 гектар шундан 60,90 гектар суғориладиган экин ер, 3,40 гектар ариқ, 0,90 гектар йўл ер майдонлари цитрус мевалари етиштириш мақсадида “Иссиқхона” ташкил учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб бериш тўғрисидаги Қумқўрғон туман ҳокимининг 2020 йил 13 июлдаги Қ-1240-сон қарори тасдиқлансин.

3. Қумқўрғон туманидаги ташаббускор тадбиркорларга:
ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Қумқўрғон тумани ҳокимлиги (Р.Гаппаров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов